

## ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

« 24 » октябр 2022 йил

№ 5 - сон

Бағдод шаҳарчаси.

«BEKABOD NAMKOR INVEST 999» хусусий корхонаси\_(кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи **З.Халилов** бир томондан ва Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи раҳбари **Ж.Шерғозиев** иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ "Ижрочи" "Буюртмачи" нинг топшириғи билан ашёвий шаклга эга бўлмаган қуйидаги: туман Тиббиёт бирлашмасига қаршли компьютер ва принтерларни жорий таъмирлаш ишлари бўйича хизматларни кўрсатиш, «Буюртмачи» эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Кўрсатиладиган хизматларга нисбатан қўйиладиган иқтисодий, техник, ташкилий ва бошқа талаблар: томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва ва ижрочи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда раймиёлаштирилган ҳисоб фактура имзоланиб Буюртмачи Ижрочининг мазкур шартномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	нархи	суммаси
1	Компьютер ва принтерларни жорий таъмирлаш (17 та компьютер, 14 дона принтер, 4 та сет кабеллини таъмирлаш, 3 дона материнцкий плата алмаштириш ва таъмирлаш хизмати)	Комп	1	13000000	13 000 000
	<b>ЖАМИ</b>				<b>13 000 000</b>

### 2. ХИЗМАТ ҲАҚИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Кўрсатилган хизматлар учун Буюртмачи шартномавий баҳо тўғрисидаги баённомага мувофиқ 13.000.000 сўм, шу жумладан, олдиндан тўлов тартибида мазкур сумманинг 30 фоизини 3.900.000 сўм миқдоридан тўлайди.

2.3 Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.4. Ижрочининг ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни кўрсата олманган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда Ижрочининг хизматлар кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади.

2.5. Буюртмачининг айби билан хизмат кўрсатиш мумкин бўлмай қолган тақдирда, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

### **3. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1 Ижрочи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган хизматларни шахсан ўзи кўрсатиши шарт.

3.2. Хизматлар кўрсатилгандан сўнг Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади ва унга ҳисобот ҳужжатларини илова қилади.

3.3. Хизмат натижаларидан қониқмаган Буюртмачи далолатномани олган пайдан бошлаб 30 кун ичида Ижрочига хизматларни қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

3.4. Буюртмачининг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома тузадилар ва унда қўшимча кўрсатилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатадилар.

3.5. Хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда Ижрочини хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

4.1. Ижрочи ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, у келтирган зарарни Буюртмачига тўлиғича тўлаши шарт, лекин бу тўлов ушбу шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4.2. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

4.3. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади. Тарафлар келишувга эришмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар иқтисодий суд ҳал қилув қарори асосида тарафлар учун қатъий ва мажбурий ҳисобланади.

### **5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

5.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

5.2. “Истеъмомчи” “Ўтказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмомчи манфаатлари учун агент ёки

вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## **6. ТОМОНЛАРНИ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

6.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

6.2. «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га иш ва хизматларни белгиланган муддатларда бажариб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун бажариб бермаган иш ва хизматлар қийматининг 0,5 % миқдорида «Буюртмачи»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори бажарилмаган иш ва хизматлар қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

6.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда иш ва хизматлар бажарилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу иш ва хизмат қийматининг 20% миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.

6.4. «Буюртмачи» томонидан бажарилган иш ва хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида «Бажарувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

6.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажариб берилган иш ва хизматлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

## **7. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАРИ**

7.1 Томонлар Ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг хоши ва истагидан ташқари пайдо бўлган ҳолатлар (урушлар, табиий офатлар ва бошқалар) билан боғлиқ ҳолатларда бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайдилар.

## **8. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.**

8.1. Ушбу шартнома 2022 йил « 24 » октябрдан 2022 йил «31» декабргача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (булими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

## **9. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига

мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

9.3. Буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини тўлиқ тўлаш шартини билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

9.4. Ижрочи ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шартини билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

9.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 60 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## 10. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

### Ижрочи:

«BEKABOD NAMKOR INVEST 999» х/к  
Бағдод тумани Самарканд кишлоғи  
СТИР 309162813 МФО 01087  
Банк номи Капитал банк АТ  
Қўқон филиали  
х/в: 20208000105474429001

Капитал банк АТ Қўқон филиали  
ИНН 309162813  
**BEKABOD  
NAMKOR  
INVEST 999**  
Рахбар:  3.Халилов



### Буюртмачи:

**Тиббиёт бирлашмаси**  
Бағдод шаҳарчаси  
Бирдамлик кўчаси 12 уй  
ШХР 401422860302097073101054001  
СТИР 200158873 ОКОНХ 91511  
Бағдод тумани бўйича Ҳазначилик  
бўлинмаси  
Х/р: 23402000300100001010  
Марказий банк Тошкент ББХКМ  
МФО 00014 ҲСТИР 201122919

Рахбар:  Ж.Шерғозиев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

XN1355022825

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: «BEKABOD HAMKOR INVEST 999» XK va Bog‘dod tumani Tibbiyot birlashmasi o‘rtasida tuzilgan xo‘jalik shartnomasi.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot: Bag‘dod tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 24.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Bag‘dod tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**A.A.SHOKIROV**

25.10.2022

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
Бағдод тумани Тиббиёт  
Бирлашмаси бошлиғи

  
Ж.Шерғозиев

24 Октябр 2022 йил

Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси томонидан 14.10.2022 йил кунги лот №22110012160484-билан Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли 17 дона компьютер, 14 дона принтерларни таъмирлаш, 4 дона сет тармоғини янгилаш, 3 та материнский плата алмаштириш ва таъмирлаб бериш ХИЗМАТИ бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

**БАЁНИ № 19**

**Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:**

**Қатнашдилар:** Ж.Шерғозиев - *БТТБ бошлиғи, комиссия раиси*  
М.Сатилов - *Бошлиқ ўринбосари, комиссия аъзоси*  
Р.Хўжаев - *бош хисобчи, аъзо*  
Ж.Каримов - *Хўжалик мудир, аъзо*  
М.Мелибоев - *Инжинер, аъзо*  
И.Болтабоев - *Бош хисобчи ўринбосари, котиб*

**1. ЧП “ULUG`BEK GRAND 777“**

**2. “ВЕКАВОД ХАМКОР INVEST 99” х-к**

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган голиб иштирокчи “ВЕКАВОД ХАМКОР INVEST 99” хусусий корхонаси билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

**Комиссия аъзолари**



Ж.Шерғозиев

М.Сатилов

Р.Хўжаев

Ж.Каримов

М.Мелибоев

И.Болтабоев

**Йиғилиш котиби:**